

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил июнь ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Поп тумани, “А.Қаххор” МФЙ биносида бўлиб, туман судининг раиси Ж.Қурбановнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг ёрдамчилари Й.Абдурахманов ва Л.Алиев, фуқаровий даъвогар вакили А.Мавлянов, судланувчи Н.Абдурахимованинг иштирокида, Абдурахимова Наргизахон Муҳибиллохоновнага оид 1-1606-2501/109-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи Абдурахимова Наргизахон Муҳибиллохоновна, 1992 йил 19 августда Поп туманида туғилган, миллати тожик (ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалиги раҳбари, Поп тумани, “Х.Олимжон” МФЙ, Бирлик кўчаси, 4-уйда яшайди, жиноят иши бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 29 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Абдурахимова 2024 йил 14 ноябрь кунида Поп тумани, “Қўшминор” МФЙда жойлашган “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Табиий газ ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 129-бандида белгиланган талабларни қўпол равишда бузиб, табиий газ тармоғига ҳисоблагичсиз тижорат мақсадларида, ўзбошимчалик билан уланиб, 7641,6 м³ табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги натижасида, “Поптумангаз” газ таъминоти бўлими манфаатларига 19.869.000 сўм зарар етказган.

Судланувчи Н.Абдурахимова судда айбига тўлиқ иқrorлигини билдириб, Поп тумани, “Қўшминор” МФЙда жойлашган “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалигида 2024 йил сентябрь ойидан раҳбар бўлиб фаолият олиб келишини, ушбу деҳқон хўжалигидаги иссиқхона қишлоқ



хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши, асосан ноябрь-февраль ойларида шартнома асосида табиий газдан фойдаланиб келиши, қолган вақтларда табиий газдан фойдаланмаслиги, ҳақиқатдан 2024 йил 14 ноябрь куни янги бодринг кўчатларини экишгани, ўша вақтларда ҳаво жуда совуқ бўлгани, табиий газ босими паст бўлгани, иссиқхонани исита олмагани, шундан сўнг бодринг кўчатлари нобуд бўлмаслиги учун табиий газни ҳисоблагичини ечиб “Худудгазтаъминот” Поп тумани бўлимидан оғоҳлантирмасдан улардан рухсат олмасдан олиб ташлаб, табиий газдан тўғридан-тўғри ҳисоблагичсиз фойдалангани, ўша куни иссиқхонага “Худудгазтаъминот” Поп тумани бўлими ходимлари келишгани ва табиий газ тармоғини текширишган вақтида, табиий газдан ҳисоблагичсиз фойдаланаётгани аниқлангани, шундан сўнг ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, қайта ҳисоб-китоб қилиниб, етказилган зарар миқдори ҳисоблангани, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, айбига иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонли, ёлғиз она эканлиги, бир нафар фарзанди иккинчи гуруҳ ногирони эканлигинини инобатга олиб, қонуний енгиллик берилишини сўради.

Фуқаровий даъвогар вакили А.Мавлянов судда, “Худудгаз Наманган” газ таъминоти филиали юридик бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши, 2024 йил 14 ноябрь куни “Худудгаз Наманган” газ таъминоти филиали “Поптумангаз” газ таъминоти бўлими 4-йирик худуд устаси О.Қодиров томонидан, Поп тумани, “Қўшминор” МФЙда жойлашган “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалигига қарашли иссиқхонада табиий газдан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш мақсадида кирган вақтида, газ тармоғига уланган газ ҳисоблагични олиб ташлаб, темир шланг орқали табиий газ трубасига уланиб фойдаланаётганлиги аниқлангани, кўздан кечириш жараёнида, бир дона саккиз юз литрлик сув иситиш қозони табиий газ тармоғига уланганлиги аниқлангани, ушбу ҳолат юзасидан ўша куннинг ўзида 000199-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, шундан сўнг, аниқланган ҳолат юзасидан ушбу истеъмолчи газ тармоғидан вақтинчалик узиб қўйилгани, “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалиги раҳбари Н.Абдурахимова иштирокида, 000199-сонли далолатнома юзасидан келтирилган зарар ҳисоб-китоб қилинганлиги, ҳисоб-китоб натижасига кўра, Н.Абдурахимова томонидан ноқонуний газ тармоғидан фойдалангани учун 19.869.000 сўм моддий зарар ҳисоблангани, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларни ИЖҚК Департаментининг Поп туман бўлимига тақдим қилинганлиги, ҳозирда аниқланган 19.869.000 сўм моддий зарар Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўлангани, ушбу пулларни “Худудгаз Наманган” газ таъминоти филиали ҳисоб рақамига ўтказиб беришни, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Қодиров судда, “Поп тумангаз” газ таъминоти бўлими 4-йирик худуд устаси вазифасида 2024 йил 1 майдан буён ишлаб келиши, унинг хизмат вазифаларига унга бириктирилган маҳалларда маҳаллабай ишлаш



хизматининг Низоми асосида ишларни ташкил этиш, истеъмолчилар ўртасида табиий газдан оқилона фойдаланиш бўйича газ тармоғига ноқонуний уланиш ҳолатларини олдини олиш ва уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўриш ишларини ташкил қилиш ва бошқалар кириши, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 14 ноябрь куни “Поптумангаз” газ таъминоти бўлимида маҳаллабай истеъмолчилари билан ишлаш етакчи муҳандиси Ж.Мартабалиев билан биргаликда Поп тумани, “Кўшминор” МФЙда жойлашган “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалигига қарашли иссиқхонада табиий газдан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш мақсадида киришгани, у ерда газ трубасига уланган газ ҳисоблагични олиб ташлаб, темир шланг орқали табиий газ трубасигага уланиб фойдаланаётганлиги аниқлангани, кўздан кечириш жараёнида, бир дона саккиз юз литрлик сув иситиш қозони табиий газ тармоғига уланганлиги кўрилгани, ушбу ҳолат юзасидан шу кунни ўзида 000199-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, шундан сўнг, аниқланган ҳолат юзасидан ушбу истеъмолчи газ тармоғидан вақтинчалик узиб қўйилгани, “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалиги раҳбари Н.Абдурахимова иштирокида 000199-сонли далолатнома юзасидан келтирилган зарар ҳисоб-китоб қилингани, ҳисоб китобда истеъмолчи охириги марта хатлов қилинган кундан ҳуқуқбузарлик аниқланган кунга қадар ҳисоб-китоб қилингани, шундан сўнг тўпланган ҳужжатларни ИЖҚК департаментининг Поп туман бўлимига тақдим қилингани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Мартабалиев судда, “Поптумангаз” газ таъминоти бўлимида маҳаллабай истеъмолчилари билан ишлаш бўйича етакчи матахасис лавозимида ишлаб келиши, 2024 йил 14 ноябрь куни Поптумангаз” газ таъминоти бўлими 4-йирик ҳудуд устаси О.Қодиров билан биргаликда Поп тумани, “Кўшминор” МФЙда жойлашган “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалигига қарашли иссиқхонада табиий газдан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш мақсадида киришгани, у ерда газ трубасига уланган газ ҳисоблагични олиб ташлаб, темир шланг орқали табиий газ трубасигага уланиб фойдаланаётганлиги аниқлангани, кўздан кечириш жараёнида, бир дона саккиз юз литрлик сув иситиш қозони табиий газ тармоғига уланганлиги кўрилгани, ушбу ҳолат юзасидан шу кунни ўзида 000199-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, шундан сўнг, аниқланган ҳолат юзасидан ушбу истеъмолчи газ тармоғидан вақтинчалик узиб қўйилгани, “Chodak Limonariya” деҳқон хўжалиги раҳбари Н.Абдурахимова иштирокида 000199-сонли далолатнома юзасидан келтирилган зарар ҳисоб-китоб қилингани, ҳисоб китобда истеъмолчи охириги марта хатлов қилинган кундан ҳуқуқбузарлик аниқланган кунга қадар ҳисоб китоб қилингани, шундан сўнг тўпланган ҳужжатларни ИЖҚК департаментининг Поп туман бўлимига тақдим қилингани ҳақида кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, фуқаровий даъвогар вакили А.Мавлянов, судланувчи Н.Абдурахимованинг кўрсатувларини эшитиб,



жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Н.Абдурахимованинг жиноят содир этганликдаги айби унинг судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувлари, фуқаровий даъвогар вакилининг кўрсатувлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, “Ўзэнергоинспекция” Наманган вилоят бошқармасининг 2024 йил 14 ноябрда тузилган №000199-сонли далолатнома ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Абдурахимованинг умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, 19.869.000 сўмлик табиий газни ўғирлик йўли билан талон-торож қилганлигидан иборат жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Н.Абдурахимовага жазо тури ва миқдорини тайинлашда юқорида кўрсатилган Жиноят кодексининг нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарар тўлиқ



қопланганлигини, фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, ёлғиз она эканлигини, бир нафар фарзанди иккинчи гуруҳ ногирони эканлигини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолаб, унга нисбатан жазо тайинлашда содир этган қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда, қонун санкциясида назарда тутилган жарима тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Н.Абдурахимова томонидан Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган 19.869.000 сўм пулларни “Ҳудудгаз Наманган” газ таъминоти филиали ҳисоб рақамига ўтказишни лозим топади.

Шунингдек, суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилган ёзма далиллар ва 1630251821-сонли табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш шартномасини ҳамда 2 дона “DVD” дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 - моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Абдурахимова Наргизахон Муҳибиллохоновна Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Н.Абдурахимовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “д” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирк) баравари миқдорида 15.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Н.Абдурахимовага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин, гаров эҳтиёт чораси учун Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган 7.500.000 сўм гаров пули ҳукм қонуний кучга киргач Н.Абдурахимовага қайтарилсин.

Судланувчи Н.Абдурахимова томонидан Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган 19.869.000 сўм пулларни “Ҳудудгаз Наманган” газ таъминоти филиали ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилган ёзма далиллар ва 1630251821-сонли табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш шартномаси ҳамда 2 дона “DVD” дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига



апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтгач кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ж.Курбанов

Ҳужжат имзоланган: Курбанов Жасурбек Исламович, 02.06.2025

